



ФАРГОНА ВИЛОЯТИ СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРИНИ БАҲОЛАШ (ДАНГАРА ТУМАНИ МИСОЛИДА)

Кимсанов Иброҳим Хайитмуродович

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси доценти, қ.х.ф.н.

Жўраев Алижон Абдуғаниевич

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси катта ўқитувчиси, қ.х.ф.ф.д.

Абдуқодиров Хайрулло

Марҳамат агротехнологиялар техникуми ўқитувчиси

Аннотация: Қишлоқ хўжалигидаги суғориладиган тупроқларнинг баҳолашда асосий мақсади тупроқнинг унумдорлигини ва тупроқ ҳоссалари хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда экинларга хосилдорликни белгилашда муҳим аҳамиятга эга дир. Ҳамда тупроқ унумдорлигининг доимий мавсумда бир меъерда сақлаш

Калит сўзлар: тупроқ, баҳолаш, шўрланиш, мелиорация, унумдорлик, центнер, класс.

Тупроқ бонитровкаси – тупроқ сифати ва табиий унумдорлик даражасига қиёсий баҳ бўлиб, кўп жиҳатдан экинлар хосилдорлиги билан боғлиқ бўлган тупроқ ҳоссалари вахусусиятларини ҳиссобга олган ҳолда амалга оширилади ва натижаси балларда ифодаланади.

Суғориладиган тупроқларни сифат жиҳатдан баҳолашда унинг меҳаник таркиби шўрланич даражаси ва ва типлари, тошлиқлиги, гипслашганлиги, эрозия жараёнлари ювилганлиги, гумус, озиқа элементлари билан тамилланганлигига бошқа бир қатор ҳоссалари этиборга олинади ҳамда тупроқлар 100 балли ёпиқ шкалада баҳоланади.

Туманда суғориладиган қишлоқ хўжалик ер турлари тупроқларининг унумдорлиги ва сифат кўрсаткичларини баҳолаш ишлари 2010 йилда бажарилган бўлиб, туман бўйича ҳиссобланган ўртача балл бонитети 60 бални ташкил этади.

Тумандаги қишлоқ хўжалигидан фойдаланиш учун яроқли суғориладиган ерларнинг маҳсулдорлиги бўйича тупроқ унумдорлиги потенсиал имкониятларини хиссобга олган ҳолда улар сифати бўйича ўнта класс, бешта кадастр гуруҳига бирлаштирилади.

Тумандаги жами суғориладиган ер майдони 19114.3 гектарни ташкил этиб, сифати бўйича учта кадастр гуруҳга бирлаштирилди [1,2,3].

Биринчи кадастр зона (гуруҳ) га 3-4 класга мансуб ерлар киртилган. Бу ерлар суғориладиган ерларнинг камроқ қисмини бўлиб, қишлоқ хўжалигининг



фаол ўзлаштирилаётган ва маданийлаштирилаётган ерлардир. Бу гурухга кирувчи ерларнинг хоссалари нисбатан турғун бўлиб, ҳаммаси суғоришга яроқлидир. Шу билан бирга бу ерларга экиладиган экинлар турлари чекланган. Бу кадастр зонадаги (гурух) ерларнинг тупроқлари шўрланган, шамол эрозиясига учраган. Тупроқлари сифати бўйича ўртачадан паст бўлиб, 21-40 балли ерларни ташкил этади.

3 ва 4 класс га кирувчи суғориладиган ерларнинг умумий майдони 1663.4 га ни ташкил қиласди. Бу класс тупроқлар Данғара туманининг ҳамма ММТП ларида тарқалган, айниқса ўртачадан паст (ИИИ-В) бундай ерларнинг энг кўп майдонлари Найманча (652.3 га) Худойбердиев номидаги (628.8 га) Сирдарё (333 га) ММТП ларида жойлашган.

Иккинчи кадастр зона (гурух) га 6 ва 5 классдаги ерлар киритилган. Бу ерлар етарли даражада маданийлаштирилган, янгидан суғориладиган ва қисман эскидан суғориладиган ерлардир. Сифати бўйича бу ерларнинг тупроқлари ўртача бўлиб бонтет балли 41-60 га тенг.

Хозирги замон дехқончилигига бу тоифага ерларда маданий – мелиоратив, жорий ишлар билан бир қаторда, куритиш, шўрсизлантириш, эрозияга қарши мелиоратив ва агротехник тадбирларини амалга ошириш орқали, ердан тўғри фойдаланиш технологиясини узоқ қўллаб тупроқларнинг янги сифатларини пайдо қилишга эришиш мумкин агар бу классдаги ерлардан нотўғри фойдаланилса (хаттокази) вақтинча маданийлаштириш жараёни тўхтаб қолишдан ташқари тупроқ деградацияси бошланиб, гумус ва озуқа элементларини миқдори камайиб, нишабли ерларда эрозия жараёнларининг бошланиши ва тупроқ унумдорлигини пасайиб кетиш холатларга олиб келади [4,5].

5 ва 6 класс ерларнинг умумий майдони 574.3 гектар суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларини ташкил қиласди. Бу классдаги ерлар Данғара туманининг асосий ер майдонини ташкил қилиб, ўртача сифатли (5-6) ерлар Мулкобод (809.3 га) Найманча (731 га) Истиқбол (782.9 га) Худойбердиев (771 га) Сирдарё (1440.2 га) ММТП лари суғориладиган майдонларнинг катта қисмини эгаллайди.

Тўртинчи кадастр зонага (гурух) га 61-80 балда баҳоланган, маданийлаштирилган (ескидан суғориладиган ва янгидан суғориладиган асосан ўртача маданийлаштирилган), сифати бўйича яхши ерлар киритилган. Бу ерлар узоқ муддатдан бери суғорилайтиги ёки маданийлаштирилаётгани туфайли, тупроқ хоссалари яхшилнган ва унумдорлик даражаси сезиларли даражада ошган. Далалар яхши текислнган ва техника воситалари ёрдамида яхшилаш усчун қулайдир. Бу гурухларда тупроқ унумдорлиги ва ишлаб чиқариш қобилятини пасайтирувчи салбий омиллар, яни гумус миқдорининг пастлиги, озиқа моддаларнинг камлиги, шамол эрозияси, иккиламчи шўрланич жараёнларининг тасири жуда камдир. Қишлоқ хўжалик ҳамма турларини



экишга яроқли, фақат агротехника ва мелиоратив тадбирларга риоя қилиш талаб етилади.

Ерга қилинган харажатлар ўз натижасини тез кўрсатади. Пахтанинг ўртача норматив ҳосилдорлиги 28 сентнерни ташкил этиб сифати паст ерларга қилинган харажатлардан кам харажат талаб қиласди. 7-8 класс ерларнинг майдони 11709.6 га суғориладиган қишлоқ хўжалик еларини ташкил қиласди. Бу ерлар туманнинг эскидан суғориладиган ерларида жойлашган. Яхши (7-8) ерларнинг энг кўп майдонлари Сирдарё (2683.7 га) Найманча (2629.5 га) Ишонч (1899.3 га), Мулкобод (1001.1 га) ММТП ларида аниқланди [6,7].

Тўртинчи кадастри зона (гурух) ерларига қадимий шахар қишлоқлар атрофидаги тупроқлар киритилган. Бу ерлар эг юқори унумдорликка эга бўлиб, хоссалари деярли турғундир. Тупроқ сифатига салбий омиллар деярли тасир кўрсатмайди. Қишлоқ хўжалик экинлариниг ҳосилдорлиги ўзгармайди.

Туманда баҳоланган суғориладиган қишлоқ хўжалик ер майдонлари 19114.3 гектарга teng бўлиб, ўртача балл бонитети 60 балл билан баҳоланди.

Фарғона		Билоғи		Дангарга		тумани	
---------	--	--------	--	----------	--	--------	--

№	Массивлар номи	Ёмон ерлар		Ўртачада паст		Ўртача ерлар		Яхши ерлар		Энг яхши ерлар		Суғориладиган ерлар	Ўртача балл бонитети
		1-клас	2-клас	3-клас	4-клас	5-клас	6-клас	7-клас	8-клас	9-клас	10-клас		
		0-10	11-20	21-30	31-40	41-50	51-60	61-70	71-80	8-90	90-100		
1	Сирдарё				333.0	1028	372.2	2683.7				4416.9	57.4
2	Найманча				652.3	599.1	131.9	755.3	1874.2			40128	61.7
3	Ишонч					649.7		1128.3	771.0			2549.0	62.8
4	Мулкобод				49.3		803.9	1001.1				1854.3	61.7
5	Истиқбол					376.8	406.1	274.3	452.9			1510.1	61.1
6	Дангарга					131.4	233.7	1175.1	444.6			1984.8	66.0
7	Худойбердин в				628.8	698.0	73.0	460.2	688.9			2548.9	54.3
8	Урмон хўжалиги жами					220.4	17.1					237.5	44.0
9	Жами				1663.4	3703.40	2037.9	7478.0	4231.6			19114.3	60

Қишлоқ хўжалик экинини ҳосилини аниқлаш учун бир бални ҳосилга мувофиқ қийматини жойнинг балл бонитетига кўпайтирилади. Бир баллнинг ҳосилга тўғри келган қийматини аниқлаш учун республика бўйича олинган ўртача максимал қишлоқ хўжалик экинини ҳосилини (40 сентнер га) миқдорини энг унумдор тупроқ) кўрсаткичига бўлинади 100 балли (энг унумдор тупроқ) кўрсаткичига бўлинади [8,9].

70 балли тупроқлар учун ғоза ҳосилини ҳиссоблаш қуйдагича бўлади.

$70 \times 0.40 = 0.28$ сент/га

80 балли тупроқлар учун буғдой ҳосилини ҳиссоблаш қуйдагича бўлади.

$70 \times 0.60 = 48$ сент/га



Энг яхчи тупроқларда қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ва бир баллнинг қиймати кўрсаткичлари жадвалда келтирилган.

Энг яхши тупроқларда қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги ва бир баллнинг қиймат кўрсаткичлари.

Экин тури	Республикада ўртача максимал ҳосилдорлик	1- Баллнинг ҳосилга мувофиқ қиймати
Пахта	40	0.40
Буғдой	60	0.60
Арпа	75	0.75
Дон учун маккажўхори	80	0.80
Бошоқли донлар соф ҳолда	60	0.60
Бошоқли донлар қоплама ҳолда	25	0.25
Силос учун маккажўхори	650	6.50
Илдизли озиқбоп экинлар	950	9.50
Бир йиллик ўтлар (кўк масса)	300	3.00
Оралиқ экинлар (кўк масса)	250	2.50
Картошка	125	1.25
Сабзавотлар	350	3.50

Туман суғориладиган ер майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини сақлашга оид қўйдаги тавсияларга амал қилиниши керак. Тупроқ мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун тупроқ шўрини ювиш муҳим тадбирлардан ҳиссебланди. Бу борада хайдалиб, яхши текисланган майдонларда олинган чекларга сув бостириш йўли билан тупроқ шўрини ювиш, бу тадбирни ўтказишдан олдин барча мавжуд коллектор - зовур тармоқларини ишчи ҳолига келтириш (тозалаш) тупроқнинг шўрланганлик даражаси, тузлар химизими механик таркиби, сув ўтказучанлик хоссалрини ҳиссебга олган ҳолда, шўр ювиш мейёрларини белгилаш муҳим ахамият касб этади. Шўр ювиш ишларини кузқиши ойларида ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Енгил меҳаник таркибли тупроқларда табийки оғир меҳаник таркибли тупроқларга қарагандা тузлар осон ювилади. Юқоридаги холатларни ҳиссебга олган ҳолда, шўр ювиш нормаларининг оптимал кўрсаткичларини кучсиз шўрланган оғир меҳаник таркибли тупроқларда 8-10 (12-15) минг м³ миқдорида белгиланиши зарур [10,11].

Туманда тарқалган гипсли тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва уларнинг унумдорлигин ошириш алоҳида тадбирлар мажмуасини талаб этади. Бундай оғир мелиорацияланувчи тупроқларда ерларни чуқур хайдаш, органик ўғитлар солиб шўр ювиш ишларини сифатли ўтказиш яхши самара беради.

Шўхли ва арзиқли ўта зич сementлашган ва ўта унумдорлиги паст, юқори қатламларида 40-60% карбонатли бирикмалари ва 20-30 % дан 70% гача гипс бўлган тупроқлар мелиорацияси асосан, шўх ва арзиқ усти қатламларини чуқурхайдаш йўли билан амалга ошириб боришидан иборат..



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. “Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ хариталарини тузиш бўйича йўриқнома” (ИМХ-27-002-13, “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси, Тошкент, 2013-йил).
2. “Шўрланган ерларни хариталаштириш, ҳисобга олиш ва шўр ювиш меъёрларини аниқлаш бўйича услугий кўрсатмалар” (Тошкент-2014-йил). Қўзиев Р.Қ., Сектименко В.Е., Исмонов А.Ж.
3. Эффективность способов внесения азотных удобрений на хлопчатнике в зависимости от технологии полива в условиях сероземно-оазисных почв пояса типичных сероземов. Кимсанов Иброхим Хайтмурадович.Автореферат диссертации на соискании ученой степени кандидата сельскохозяйственных наук,1996.
4. Усвоение калия питательных веществ сахарной свеклы при различных способах посева и норм минеральных удобрений. АА Жураев. Передовое развитие современной науки как драйвер роста экономики и социальной сферы. Стр 321-325.
5. Root system development and its activity. И Рўзиев, А Жўраев, Д Нумонова, И Кимсанов. Holders of reason 1 (1), 116-125.
6. Буғдой ўсимлигидаги қоракуя касаллигини олдини олишда хар хил меъёрдаги калийли ўғитларнинг самарадорлиги. И Рўзиев, А Жўраев, Д Нумонова, И Кимсанов. Holders of reason 1 (1), 143-152.
7. Андижон вилояти Улуғнор тумани Улуғнор массиви сугориладиган ерларининг шўрланиши даражаси бўйича тавсифи. И Рўзиев, А Жўраев, Д Нумонова, И Кимсанов. Holders of reason 1 (1), 660-666
8. Khakimova K., Yokubov S. CREATION AND MAINTENANCE OF STATE CADASTERS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN //Innovations in Science and Technologies. – 2024. – Т. 1. – №. 1. – С. 85-93.
9. Yokubov S. SCIENTIFIC AND THEORETICAL FOUNDATIONS FOR THE DEVELOPMENT OF MAPS OF THE LEGAL STATUS OF STATE LANDCADASTERS IN THE TERRITORY USING GIS TECHNOLOGIES //Innovations in Science and Technologies. – 2024. – Т. 1. – №. 1. – С. 80-84.
10. Yokubov S., Burhonova M. TUPROQ GUMUSINING HOSIL BO 'LISHI HAQIDAGI ASOSIY NAZARIYALARI. TUPROQNING UMUMIY FIZIK XOSSALARI //Biologiyaning zamonaviy tendensiyalari: muammolar va yechimlar. – 2023. – Т. 1. – №. 4. – С. 715-717.
11. Yusufovich G. Y. et al. The use of remote sensing technologies in the design of maps of agricultural land //Texas Journal of Agriculture and Biological Sciences. – 2023. – Т. 23. – С. 17-21.